

# Курилиш ва таъмирлаш ишларида пудрат ишларини бажариш учун

## №8 сонли ШАРТНОМА

2022 йил “05”июл

Карши шахри

### Шартнома тузувчи томонлар

«Буюртмачи» Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази номидан Т.Б.Расулов бир томондан ва «Пудратчи» «Серқуёш келажак бинолари» хусусий корхонаси номидан Р.Сафаров иккинчи томондан курилиш ва таъмирлаш ишларининг пудрат шартномаси тўғрисидаги Низомига асосан ушбу шартномани туздилар.

#### 1. Шартнома асослари.

- 1.1 Ушбу шартнома курилиш таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун тузилади.
- 1.2 Ушбу шартнома шартларини бажарилишини томонлар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, пудрат шартномаси қоидаларига асосланган холда амалга оширадилар.

#### 2. Шартнома суммаси.

- 2.1. Ушбу шартнома шартлари бўйича бажариладиган ишларнинг кўзланган баҳоси 399 000 000 (уч юз тўқсон тўққиз миллион) сўмни ташкил этади.  
Ушбу сумма ўзгарувчан бўлиб, йил давомида нарх-навонинг ўзгаришига мувофик равишда ўзгаришлар бўлиши мумкин.
- 2.2. Пудрат ишлари суммаси шартномада кўрсатилган суммадан ортиб кетса, кейинги ишлар учун кўшимча шартнома тузмайди, балки килинаётган ишларнинг давоми сифатида каралади. Бу бажарилган ишлар учун тўловлар шартноманинг 4 бандлари асосида олиб борилади.

#### 3. Умумий шартлар.

- 3.1. «Буюртмачи», «Пудратчи»га курилиш ва таъмирлаш ишларини бажариш учун лойиха-смета, хужжатлари билан, тўла-тўқис таъминлайди. Лойиха-смета хужжатларини, «Пудратчи», «Буюртмачи» номидан тайёрлатиши мумкин. Бу холда «Буюртмачи» «Пудратчи»га кетган сарф-харажатларни (бойихачи ташкилот тақдим этган хужжатларга асосан) 31.12.2022 йил муддатда тўла-тўқис тўлаб беради.
- 3.2. Лойиха-смета хужжатларида ёки бажарилган ишлар далолатномасидаги (Ф-2) лимитланган ва бошка харажатлар «Пудратчи», ва «Буюртмачи» билан ўзаро тасдиқланган Ф-01 асосида хисобга олинади хамда тўлов учун тақдим этилади
- 3.3. Курилиш ва таъмирлаш ишларини бажариш учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га курилиш майдонини хамда хоналарни ўз вактида бўшатиб (ажратиб) беради.
- 3.4. Шартнома бўйича ишларни бажариш давомида «Буюртмачи» «Пудратчи» га курилишни таъминлайди.
- 3.5. Бажарилган ишлар далолатномаси хар ойнинг 28 кунигача «Пудратчи» томонидан «Буюртмачи»га тақдим этилади ва «Буюртмачи» томонидан тасдиқланади.
- 3.6. Иш бажариш давомида лойиха-смета хужжатларидан ташқари бажарилиши керак бўлган ишлар «Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасида алоҳида тузилган далолатнома асосида бажарилади.
- 3.7. «Буюртмачи» «Пудратчи»дан бажарилган ишларнинг миқдорини ва сифатини текшириб олади, бажарилган иш лойиха-смета хужжатларига тўғри келмаса, «Пудратчи» камчиликларни ўз хисобидан бартараф этади.

#### 4. Ўзаро хисоб-китоблар.

- 4.1. Ушбу шартнома бўйича хисоб-китоблар сумларда пул ўтаказиш йўли билан амалга оширилади.
- 4.2. Иш бошлашдан олдин «Буюртмачи» «Пудратчи» хисоб рақамига шартнома умумий суммасининг 30% миқдорида сумма ўтказиб беради.
- 4.3. Тўловлар «Пудратчи» билан «Буюртмачи» ўртасида имзоланган хар ой учун

бўлган бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) асосида 10 кун муддат ичидаги  
«Буюртмачи» томонидан амалга оширилади.

#### 5. Тарафларнинг мажбурияти.

- 5.1. Буюртмачи ва Ижрочи мазкур шартнома шартларини бажармаганлик ва бузганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.
- 5.2. Тарафлар қонунчиликда белгиланган форс-можор ҳолатлари мавжудлиги натижасида шартномада белгиланган мажбуриятларини бажариш иложисизлигидан тўлиқ ёки қисман бажара олмаганларида жавобгарликка тортилмайдилар.

#### 6. Моддий жавобгарлик.

- 6.1. Курилиш-йигим, таъмиглаш ишларини «Пудратчи»нинг айби билан тўхтаб қолса «Пудратчи» «Буюртмачи»га хар бир ўтган кун учун бажарилиши керак бўлган иш суммасининг 0,5 % миқдорида жарима тўлайди.
- 6.2. Шартноманинг 4.3 банди бажарилмаса, «Буюртмачи» «Пудратчи»га ўtkazilgan сумманинг 0,5 % миқдорида ўтган хар бир кун учун жарима тўлайди.
- 6.3. Жарима тўлаш томонларнинг ушбу шартнома шартларини бажариш мажбуриятидан озод этмайди.
- 6.4. Ушбу шартнома томонларнинг келишувларига мувофик муддати узайтирилиши ўзgartирилиши ёки тўхталиши мумкин.

#### 7. Кушимча шартлар.

- 7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амалда бўлади. Ушбу шартноманинг ўзgartирилиши ва бекор қилиниши томонлар келишувига кўра амалга оширилади.

#### 8. Низоларни ҳал этиш тартиби.

- 8.1. Тарафлар юзага келган баҳс ва мунозараларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 8.2. Тарафлар юзага келган мунозараларни ҳал этиш учун даъвогарнинг жойлашган ҳудуди буйича судга мурожаат қилишлари мумкин.
- 8.3. Тарафлар ўртасидаги мазкур шартномада кўзда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан тартибга солинади.

#### 9. Шартноманинг амал қилиш муддати.

- 9.1. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, бир нусхадан томонларда сакданади.
- 9.2. Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 2022 йил «31»декабр кунигача амал килади.

#### Томонлар реквизитлари:

##### «Пудратчи»

“Серқуёш келажак бинолари” х/к  
манзил: Қарши ш. Наво 71 уй  
х/р: 2020 8000 8004 6232 7001  
ИНН: 303 208 250 ОКЭД 41201  
МФО 00190

Ипотека банк АТИБ Қашқадарё филиал  
рахбар: Р.Сафаров



М.У.

(имзо)

Хуқуқшунос:

(имзо)

##### «Буюртмачи»

Вилоят Болалар кўп тармоқли  
тиббиёт маркази


манзил: Отчопар махалла Халқлар  
дўстлиги кўча

х/р: 100021860104017073201054006

ИНН 202 690 140 МФО 00014

банк: Марказий банк Тошкент ш. Бош.

рахбар: Т.Б.Расулов



М.У.

(имзо)

# «ТАСДИКЛАЙМАН»

Вилоят болалар куп тармокли тиббиёт  
маркази бош шифокори

Т.Б.Расулов

05.07.2022 йил

№ 8

Қарши шахри

Вилоят болалар куп тармокли тиббиёт марказида биноларни жорий таъмирлаш танлов асосида шартнома тузиб сотиб олишни ташкил қилиш комиссиясининг

## МУХОКАМА БАЁНИ:

Комиссия раиси КУК раиси:

Т.Б.Расулов

АЪЗОЛАРИ:

Б. Шукров

ДИБ др муовини

Х.Турсунов

касаба уюшма раиси

Х.Хамдамов

хисобчи

З.Меглиев

хужалик мудири

## Кун тартибида куриладиган масала:

Марказда биноларни таъмирлаш учун 2022 йил июль ойлари биноларни жорий таъмирлаш фирмаси билан шартнома килиш ва шартномани тасдиклаш тугрисида.

Комиссия танлов конкурсга қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб, Марказ биноларини жорий таъмирлаш бўйича 2 та хусусий корхона қатнашаётганлигини эълон қилди. Улар куйидагича:

Танлов конкурс бўйича 2022 йил 29 июн кунида лот №22110012110692 сонли протокол эълон куйилгандан кейин 2 та ташкилот узини таклифлари билан

катнашди ва энг юкори балл «Серкуёш келажак бинолари» МЧЖ олди ва 2 кун мухокамада куйилди хамда бошка эътиrozлар булмагандан кейин " Серкуёш келажак бинолари " мчж билан шартнома тузилди.

## ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Серкуёш келажак бинолари» МЧЖ ғолиб деб топилсин.

2. « Серкуёш келажак бинолари » МЧЖ корхонаси томонидан тавсия этилган биноларни жорий таъмирлаш ишларига шартнома тузиш хужалик мудири  
3.Мегливга топширилсин.

3.Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш бош хисобчи  
Х. Хамдамовга юклатилсин.

Комиссия раиси:

Т.Расулов

АЪЗОЛАРИ:

Б.Шукров

Х.Турсунов

Х. Хамдамов

З.Меглиев.